

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЗООТЕХНИЯ” ФАКУЛТЕТИ**

**ИПАКЧИЛИК КАФЕДРАСИ**

**Бакалавриат 5410900-“Ипакчилик” йўналиши 4-56 гуруҳ талабаси**

**ХАЙТМЕТОВА ДИЛАФРУЗ ИРИСМАТОВНА**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**МАВЗУ: “ТУТ ДАРАХТИНИ ХАЛҚАЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ,  
МУДДАТИ ВА ТЕХНИКАСИ”**

**Илмий раҳбар:**

Ипакчилик кафедраси  
катта ўқитувчиси  
к/х.ф.номзоди

В.Раҳмонбердиев

**“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”**

Ипакчилик кафедраси мудири,  
к/х.ф, номзоди \_\_\_\_\_ У.Т.Данияров  
2015 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Зоотехния факультети декани,  
доцент \_\_\_\_\_ У.Ш.Балласов  
2015 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**ТОШКЕНТ – 2015**

## М У Н Д А Р И Ж А

1. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ РЕЖАСИ.....	3
2. КИРИШ.....	4
3. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	7
4. ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.....	18
5. ТУТ ДАРАХТИНИ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ.....	21
6. ТУТНИ ҚАЛАМЧАДАН ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ.....	25
7. ТУТНИ БАРГСИЗ ҚАЛАМЧА БИЛАН КЎПАЙТИРИШ.....	31
8. ХАЛҚАЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ, МУДДАТИ ВА ТЕХНИКАСИ.....	42
9. ҚАЛАМЧАЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ДАВРЛАРИ.....	48
10. ТУТНИ БАРГЛИ ҚАЛАМЧАСИ БИЛАН КЎПАЙТИРИШ.....	54
11. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	58
12. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	59

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ РЕЖАСИ**

1. КИРИШ.
2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.
3. ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.
4. ТУТ ДАРАХТИНИ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ.
5. ТУТНИ ҚАЛАМЧАДАН ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ.
6. ТУТНИ БАРГСИЗ ҚАЛАМЧА БИЛАН КЎПАЙТИРИШ.
7. ХАЛҚАЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ, МУДДАТИ ВА ТЕХНИКАСИ.
8. ҚАЛАМЧАЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ДАВРЛАРИ.
9. ТУТНИ БАРГЛИ ҚАЛАМЧАСИ БИЛАН КЎПАЙТИРИШ.
10. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.
11. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

## КИРИШ

Фермер хўжаликларда пиллачилик озиқ фондини мустаҳкамлаш ва яхшилашнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат: тутзорларни кенгайтириш, дала четларига йўл ёқаларига тут кўчатларини ўтказиш ва уларни яхши парвариш туфайли барг ҳосилини кўпайтириш; ўғит ва механизациядан рационал фойдаланиш асосида тут барглари таннархини арзонлаштириш; тутзорларни яхши навли тутлар қаламчаси ва пайвандлаш йўли билан етиштирилган серҳосил кўчатлардан ташкил қилиш барг сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг табиий иқлим ва тупроқ шароитлари пиллачилик озиқ базасини ривожлантириш учун ҳар жиҳатдан қулайдир. Пиллачилик хўжалик учун қўшимча даромад манбаи ҳамдир.

Пилла қимматбаҳо хом ашё. У халқ хўжалигининг жуда кўп соҳаларида ишлатилади. Табиий ипакдан асосан энг ноёб, жуда чиройли ва пишиқ газламалар тўқилади. Ипакдан авиатсияда, фазони тадқиқ қилишда, радио-телевизорлар ишлашда, тиббиётда, озиқ-овқат саноатида (нафис элаклар ишлашда), чолғу асбобларида, фотография ва кинофотографияда фойдаланилади. Пилласининг ғумбаги эса мўйнали ҳайвонлар учун жуда тўйимли озиқ ҳисобланади. Бир кг ғумбак мўйнали ҳайвонлар учун 2,5 кг гўшт ўрнини босиши мумкин. Табиий ипак толалари билан синтетик толалар кўшилиб тўқилган газламаларнинг таннархи соф ипак толасидан тўқилган газламаларга нисбатан 20-25% арзонга тушади (О. Маҳмудов, 1982).

Тут дарахтининг барги билан бир қаторда унинг меваси, уруғи ва толаси хўжалик жиҳатдан аҳамиятлидир. Тут меваси қанд моддаси ва витаминларга жуда бой.

Тиббиёт бобокалони Абу Али ибн Сино тут меваси ширасини оғиз-томоқ иллатларини, шишларини ҳамда чиллаширни даволашда, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қўллаган. Балхи тутнинг сархил барг ширасини милкак (ангина) ва тиш оғриқларини қолдиришда ишлатган. Халқ

тиббиётида Балхи тут меваси иситма хуржини камайтирувчи, кишига дармон бағишловчи, қон кўпайтирувчи сифатида қўлланган бўлса, пўстлоғидан тайёрланган қайнатма яра-чақаларни даволовчи, ўпкани юмшатувчи, балғам кўчирувчи, пешоб ҳайдовчи бўлиб хизмат қилади. Шотут меваси жилон жийда меваси билан биргаликда бўғма ва қизилча хасталикларига малҳам бўлади. Оғиз бўшлиғи яллиғланганда шотут мевасидан тайёрланган қайнатма билан чайилса, азиятга таскинлик беради. Булардан ташқари, шотут ҳароратни пасайтирувчи, чанқоқ қолдирувчи бўлиши билан бирга буйрак фаолияти сустлигини яхшилашда ижобий натижа беради (М.Набиев. “Тошкент оқшоми”, 1978, 18 июл). Тут дарахтининг танаси жуда мустаҳкам ва чидамли, пардозланган жилва беради. Шунинг учун дурадгорчиликда мебеллар, ҳар хил асбоб ускуналар ва мусиқачиликда ҳар хил чолғу асбоблари ясалади. Тут ёғочини сувда бир неча йил ушлаб, сўнгра шамшод деб аталадиган жуда чидамли, эластик тароқлар тайёрланади. Тут пўстлоғи пишиқ, қайилувчан ва унда дубил моддаси бўлиб, у ток новдаларини ва пайвандларни боғлашда ишлатилади. Тут пўстлоғидан қимматли ранг олиш мумкин. Қурт боқишдан кейин қолган новда ва шохлардан сават, замбил ва енгил стуллар тўқишда фойдаланилади. Тарихий адабиётларда тут илдизини сувда қайнатиб ёки қуритиб, сўнгра толқон қилиб истеъмол этилганда гижжа хайдаши ва қисман қанд касалини даволаши мумкинлиги баён этилган.

Тут дарахти бошқа дарахтлар билан аралаштириб экилганда, экинларни гармсел ва совуқ шамоллар таъсиридан сақлашда ихота вазифасини бажаради. Бу хилдаги экилган тутларнинг баргидан ипак қуртига озик сифатида қисман фойдаланиш ва мевалардан уруғ олиниб, кўчат етиштириш мумкин. Иккинчи томондан, тут ва бошқа хил ихота дарахтлари ўз танасидан ер ости сувларини буғлантириб, сизот сувлари сатҳини пасайтиришга ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Бинобарин, шўрланиш ва ботқоқланишига қарши тут дарахтларининг аҳамияти анчагина каттадир.

Ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос хусусиятини деҳқончилик ёки ўсимликшунослик фанлари ўргатади. Бу иккаласи эса умумий деҳқончиликни амалда қўлланадиган ботаника фани билан қўшилмасидан иборатдир. Жумладан, тут дарахтини ўрганиш билан боғлиқ бўлган қисмини тутчилик фани ташкил этади. Шундай қилиб, тутчилик агробиологик фан ҳисобланиб, унинг вазифаси тутнинг биологияси, агротехникаси ва баргидан ипак қурти боқишда фойдаланиш усуллари ўрганишдан иборат.

Тут ипак қурти монофаглар гуруҳига мансуб бўлиб, фақат тут барглари билан озиқланади. Личинка организми учун зарур бўлган сув, оксил, карбонсув, витамин ва бошқаларни тут баргидан олади. Демак, тут баргининг таркиби, тўйимли моддаларга бойлиги озиқлантиришда асосий роль ўйнайди. Агар тут баргида у ёки бу модда етишмай қолсак, дарҳол қуртларнинг ўсиши ва ривожланишида ва метаболизмида ўз аксини топади.

Тутлар навли ва дурагай ўсимликлардан иборат бўлиб, барг ҳосилдорлиги ва баргларнинг биокимёвий таркиби бўйича фарқланадилар.

## 2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Тутни пайвандлаш йули билан кўпайтириш устида хорижий давлатлар билан бир қаторда ҳамдўстлик давлатларининг пиллачилик минтақа раёнларидаги олимлар бир қаторда илмий ишлар олиб боришди.

Кам хосилли тут нихолларига сеҳосил навларни экиш олдидан пайвандлаш агротехникаси Грузия шароитида С.Г.Безарашвили томонидан 1939 йили ишлаб чиқилган. А.Г.Кафиан ва Е.С.Геловани уни такомиллаштириш юзасидан бир қанча ишлар қилишди. Улар ва бошқа бир қанча олимлар (С. Остраухов, 1938; Ю. Бакулин, 1938; Т. Иванченко, 1955) томонидан тут қаламчасини илдизга пайвандлаш устида илмий иш олиб борилди. Бу усул экиш олдидан пайвандлаш ҳисобланиб, кўплаб пайванд кўчатлар етиштиришда кам самара бергани учун ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмади.

Урушдан кейинги (1952) йилларда А.Н.Баев томонидан тутни вегетатив усулда кўпайтиришнинг бир қанча хиллари устида иш олиб борилди ва уларнинг ичида энг самаралиси куртак пайванд деб топилди.

1964 йилдан бошлаб М.И.Гребинская, О.Пулатов, У.Қўчқаров ва Ф.Гатин томонидан ер бағирлаб қия кесилган пайвандтаг кўчатларнинг пўстлоқ орасига қаламча билан пайвандлаш усули Ўзбекистон шароитида такомиллаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

1965 йилдан бошлаб М.И.Гребинская ва О.Пўлатов тамонидан 10 ёшгача бўлган кам ҳосил тутларнинг каллагини пўстлоқ орасига пайвандлаш усули ишлаб чиқилди.

Урта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институтти қаламчаларни сақлаш учун ҳаво сиқувчи қурилма билан жихозланган музлатгичлардан фойдаланишни тавсия этади, (У.Кучкоров, 1984). Қаламчалар боғлами атрофига нам қиринди солиниб, устидан полиэтилен ёки нам утказмайдиган

когоз билан уралади ва музхонага куйилиб, унинг харорати +2 – 4 даража ушланади.

1955 йили М.И.Гребинская томонидан куртак пайванднинг янги усули ишлаб чиқилди. Бунда пайвандтаг 15-20 см эмас, балки 5-7 см қолдириб қесилди ва куртак урнатиш учун “Т” шаклидаги чизикни ҳам икки марта кам (астиги 1 см) узунликда тилинди. Шу билан бирга бойланган ерни бушатишга хожа қолмади, чунки куртак фақат тепа томондангина боғланганлиги сабабли унинг усиши учун керак бўлган озик моддалар бемалол утаверди.

1963-1964 йиллари М.И.Гребинская ва О.Пулатовлар кам ҳосилли ёки ҳосилдан қолган 10-12 ёшли тут дарахтларининг қаллақ ёки танасига куртак пайванд қилиш устида иш олиб бориб, ижобий натижага эришдилар. Тажриба утқазилган дарахтларнинг илдиз бугзидан юқори қисмининг диаметри 30-40 мм ва қаллақ шохлариники 30-70 мм атрофида бўлиб, унинг силлик жойига куртак пайванд қилинади. Ёш дарахтларда пайванд куртак урнатилган пайвандтаг қустлоғи қалин ва қисман пробқалашган бўлганлиги учун пайвандлашдан олдин унинг шу қисми қирқиб олиб ташланади ва пайвандтаг қесигидан 5-7 см пастрокка, унинг қарама-қарши томонига куртак урнатилди. Пайванд қилишни уч муддатда: эртаа қуқлам (15-20 март), яъни дарахтда шира ҳаракати юришганда, куртак буртиб яшил тусга қирганда (18-23 апрель) ва барғли новдаларни қесиб олдиндан (9-13 май) амалга оширилди. Куртак буртиб яшил тусга қирганда (18-23 апрель) пайтда қилинган пайванднинг 89%, қеч қуқлам (9-13 май) дагининг 79% ва эрта қуқлам (15-20 март) дагининг эса астиги 26% қуқарган. Шу билан бир қаторда, шх-шаббадаги йугон новдаларга қилинган пайванд, шох-шабба остидаги ва илдиз бугзидан 70 см юқоридаги танага қилинган пайвандга нисбатан бирмунча яхши қуқариб, қузгача новдалари 32-90% узун бўлган. Бундан ташқари пайванд қилиш пайтида пайвандтагнинг куртак урнатилган жойидан юқорисини қесиб ташлаш муддати ҳам унинг қуқаришига маълум даражада таъсир қилган. Масалан, пайвандтағни пайвандлаш билан бир



вак்தа кесилганда жами пайванд куртақдан 85,5% ти кутариб, бу иш бир хафта утгандан сунг килинганда куртақлар кукармаган, бир ой утказиб амалга оширилганда эса атиги 1,7% пайванд тутган.

1963-1964 йиллари М.И. Гребинская рахбарлигида О.Пулатов томонидан пустлок остига пайвандлашни тут дарахти танаси ёки каллак шохларига куллаш усули такомиллаштирилди. Бу хам кучатзордаги ер багирлаб пайвандлашга ухшаш булиб, лекин пайвандтагнинг кия кесилган жойининг юкори кисмига пайвандуст каламча урнатилгач, кия юзасига марганцовкали суюкликка намланган пахта куйилади. Намликни саклаш максадида устидан полиэтилен плёнка боғланди. Куёшда пайванднинг кизимаслиги учун плёнка устидан оддий коғоз боғланади. Пайвандлангандан кейин 1,5-2 ой утгач, яъни каламчада 7-10 та барг хосил булгач плёнка ва пахта олиб ташланади. Ташки мухитнинг кескин узгаришини кесикка таъсир этмаслиги учун коғоз кайта боғлаб куйилади. Кузгача пайвандтагдаги кесик юзаси 20-25% га камайиб битади.

Д.А. Комиссаров (1938), Н.П. Кренке (1950) ва бошқаларнинг маълумотига караганда нихолдан каламча олиб экилганда, катта дарахтникига нисбатан унинг илдиз олиши яхши булади. М.И. Деза (1951), Р.Х. Турецкая (1961) ва бошқаларнинг таъкидлашича она тутнинг хар хил жойидан олиниб экилган каламчаларнинг кукариш хусусияти хар хил булади. Новданинг куйи кисмидагиси яхшироқ илдиз отади.

К. Рахмонбердиев рахбарлигида 1960-1961 йиллардан бошлаб халкаланган каламчалар оркали навдор тут кучатлари етиштирила бошланди. 1962 йилдан бошлаб Тошкент вилоятининг 6 районида, 1964 йилдан Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Андижон, Фаргона вилоятларида, 1969 йилдан Қорақалпоғистон Мухтор жумхуриятида, 1978 йилдан Қашқадарё вилоятида халкаланган каламчалардан навдор ва дурагай тут кучатлари етиштирилиб, тутзорлар барпо этилди.

Каламчадан устирилган кучатларга шакл беришга оид тажриба 1973-1976 йилларда К. Рахмонбердиев раҳбарлигида М. Хиббимов томонидан олиб борилди. Биринчи усув йили каламча кучатнинг ён новдалар ҳосил қилиш даражасига қараб 3-4 марта шакл берилади. Биринчи марта шакл бериш май ойининг охиридан июннинг биринчи яримигача булган вақт ичида утказилади.

М. Хиббимов тажрибасидан яна шу аён бўлдики, САНИИШ – 15хПионер тут дурагай уругидан устирилган нихолдан каламча тайёрлаб эилганда, 96-100% и куқариб, кучатнинг бўйи урта ҳисобда 200-213 см га етган. Каламча кучатларининг узиш даражаси ва сифати уруг кучатлариникига қараганда 11-29% юқориқок бўлган.

К.Раҳмонбердиев ва М. Хиббимовлар маълумотиға қараганда, 1 гектар ерга 15-20 см узунликдаги каламчалардан 45 даража қиялатиб (0,25x0,7 схемасида) эқилганда гектариға 56 минг дона, 30-40 см каламчалардан эса ер бағирлаб қуйишда 35 минг (0,4x0,7 м схемасида) дона каламча эқилади. Лекин 45 даража қиялатиб эқилган ҳар бир каламчадан 1 дона кучат, 30-40 см узунликдаги ёткизиб эқилганлардан эса урта ҳисобда 2 тадан, яни гектардан 70 минг туп кучат олиш мумкин. Шундан биринчи усулнинг куқариш даражаси урта ҳисобда 58%, иккинчи усулда эса 71% бўлади.

1075-1980 йиллари С. Остроухова ва П. Хужаевлар томнидан Тошкент Кишлоқ хужалиқ институтининг укув тажриба хўжалигида полиэтилен плёнқа билан усти ёпилган курилмада тутнинг 2 бўғимида барғли каламчалари автоматик (реле орқали) сунъий туман ҳосил қилинган шароитда куқартирилди. Бундай шароитда устирилган каламчалар эқилгандан 12-15 кун утғач илдиз ҳосил қилади ва узиши жадаллашади.

Ш. Олтинбев, Э. Азимов ва бошқалар маълумотиға кура каламчадан куқайтирилган наводор тут дарахтларининг барғи билан курутлар озиклантирилганда курут боқиш давомати киёсловчига нисбатан бир кунга қисқаргани, курутнинг ҳаётчанлиги эса 2,0-3,0% га ошганлигини курсатади.

Бунда бир дона тирик пилла вазни киёсловчидан 1-1,9 гр тажриба вариантларида эса 2,0-2.2 гр ни бир кути куртдан олинадиган пилла хосили эса 10-15 кг га ошганлиги маълум бўлди.

Тут селекцияси бўйича йирик мутахассис олим А. С. Дидиченко (1965) ЎЗИИТИ да яратилган тутнинг Октябрь, Ёзги, Ўзбекистон навларини синаш жараёнида янги навлар пилла ҳосилдорлигини 1,5 баравар кўпайтириши мумкинлигини аниқлаган. Муаллиф ўзининг бошқа мақоласида куртларни ёшлари бўйича навли тут барглари билан озиклантирилганда пилланинг ўртача вазни, пиллалардан хом ипак чиқиши анча ошганини таъкидлайди (А.С.Дидиченко, И.П.Милохова, 1965).

М.Самандарова, И. П. Грябина (1976) тажрибаларида тирик пилла ва ундаги ипакнинг вазни куртлар навли тут барглари билан боқилган вариантларда кўп бўлган.

А. И. Хаханов, Т. Хафизова (1976) тутнинг турли навларининг озуқавий хусусиятлари ва ипак қуртининг навларга бўлган реакциясини ўргана туриб, айрим навлар ипак маҳсулдорлигини кўпайишига, айримлари - камайишига сабаб бўлишини кўрсатган. Синовларда тутнинг янгидан яратилаётган 37 - 54 ҳамда Тожикистон уруғсиз навлари бу жихатдан муайян фарққа эга экани аниқланган. 37 - 54 нави барги билан озиклантирилган Сов.5 ва САНИИШ 24 зотлари пиллалари вазни 3,8 - 7.8 фоизга кам ва бунинг акси Тожикистон уруғсиз навида 13,1 - 16,8 фоизга кўп бўлган.

С.С.Зинкина (1977) тутнинг янги 6 та навининг давлат синовлари якунини таҳлил қилар экан, янги навлар аввало пилла ҳосилдорлигини кўпайтириш имконини беради деб таъкидлайди. Масалан, ҳар гектар тутзордан етиштириладиган пилла ҳосилдорлиги киёсловичига нисбатан Пайванди навида-43,0%, Лихи-5 навида-69,0%, ҳосилдор навида-118,7%, Тошкент навида-12 % ошган.

Г.Б.Мулев, А.И.Ковалик (1977) Украинанинг Мерефа ипакчилик станциясида яратилган тутнинг Украина 107, Харьков 3 ва Украина-1

Навлари экилган 1 га тутзор ҳисобидан 827,% - 928,3 кг пилла олиш мумкинлигини хабар берадилар. қиёсловчи - дурагай тутларда бу кўрсаткич 354,3 килограммдан ошмаган.

Н.М. Финаева (1976) тутнинг турли навларини ўрганишга бағишланган тажрибалари якунида навли тутларнинг яна бир ижобий томонини аниқлаган - навли тут баргларининг ейилиш ва ҳазм бўлиши юқорироқ бўлади.

М.Петков, И.Пенков (1976) лар Болгария шароитида такрорий курт боқишда юқори самара берган тут навларини (Кокусо 21, Кокусо 27, №106, №59) аниқлаб, улардан ёзги ва кузги курт боқишда фойдаланиш ҳақида тавсиялар берганлар.

Тутнинг янги навларига хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан тўғри баҳо беришда ҳар қути куртдан етиштирилган пилла ҳосилини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ф.Г.Гатин, К.С.Огурцов (1981) янги 25-70, 47-73, 9-72 селекцион тизимлар баргидан фойдаланилганда 1 қутидан 8,6-26,9 кг кўпроқ пилла олинганини хабар қилади.

Кўп йиллар давомида тутнинг М.И Гребинская яратган Тожикистон уруғсиз нави ниҳоятда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларини намоён этиб келди. Ўзбекистонда селекция ишининг ривож топиши шунга олиб келдики, Тожикистон уруғсиз тути билан рақобатлаша оладиган навлар яратилди. Ф.Г.Гатин, К.С.Огурцов, М.Н.Асомова (1986) САНИИШ 35 нави юқоридаги навга нисбатан 1 қутидан 4,3 % кўпроқ пилла бергани ва пиллаларнинг ипакчанлиги эса 5,1% га кўп бўлганини таъкидлайдилар.

Ф.Г.Гатин, К.С.Огурцов, М.Жўраев, И.Х.Холматов, М.З.Аҳмедова (1977) мақоласида ЎЗИИТИ селекциячилари яратган Жарариқ 3 нави баргнинг тўйимлилиги ва самарадорлиги жиҳатидан Тожикистон уруғсиз тути кўрсаткичларига бараварлаша олиши ёритилган. Янги барглари

ишлатилганда пилладаги ипак миқдори 434 мг, Тожикистон уруғсиз тутида 425 мг бўлган.

А.С.Дидиченко, Р.Абдуллаев, А.П.Пўлатов (1987) тутнинг Голодностепский 6 (Мирзачўл 6) нави, Ё.М.Миролимов, М.Н.Асомова, А.Пўлатов (1990) САНИИШ 40 навларининг қурт маҳсулдорлигини оширишдаги афзалликлари ҳақида ёзадилар.

Маълумки, хўжаликларда ўсаётган тутлар диплоидлардир. Тутнинг полиплоидли шакллари серхосил ва барг таркибида оксил моддасини кўплиги билан фарқланади.

И.К.Абдуллаев, А.Г.Ахмедов (1971) қуртлар полиплоид навли тут барглари билан таъминланганда етиштирилган пиллалардан хом ипак чиқиши 34,6%, тола узунлиги 767 метрга ошганини хабар қиладилар. Оддий барг билан боқилганда бу кўрсаткичлар 31,3% ва 685 метрни ташкил этган.

Ўзбекистонда колхицин ёрдамида тутнинг кўплаб полиплоид шакллари олинган. Ушбу йўналишда узоқ йиллар ишлаган М.И.Гребинская (1976) полиплоидли тут баргларида протеин миқдори 2.0 умумий азот 0,81 мутлок фоизга кўп эканини аниқлаган.

Д.О.Авакян, А.Г.Туманян, В.А.Хачатрян (1981) тутнинг тетраплоид навлари иштирокида қатор дурагайлар яратган. Янги дурагайлар барглари билан боқилган қуртлар яшовчанлиги ва улар ўраган пилладаги ипак миқдори кўпайган, личинкалик даври эса 1-2 суткага қисқарган.

Россия ипакчилик станцияси (Иноземцево қишлоғи) да яратилган тутнинг триплоидли ПС 109,4 п, ПС - 109,2, Бештау навларида оксил моддасининг юқорироқ бўлиши туфайли 1 кг пилла етиштириш учун сарф бўладиган баргни 20,0 - 22,7% га камайишига олиб келган (Г.Н. Тишенко, Е.Ф.Лейнвебер,1993).

Тут барглари таркибидаги қурт учун зарур бўлган оксил, карбонсувлар, витаминлар ва бошқа озуқа элементлари миқдори ва нисбати ҳамда баргларнинг қуртларни ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсири

фақат тут навларига боғлиқ бўлмай, вегетация даври, парваришнинг агротехникавий даражаси, новдаларни кесиб олиш усуллари ва ҳаттоки тут дарахти жинсига ҳам боғлиқ бўлади. (А.И.Федоров, 1954; И.П. Дешко, 1962; Э.М. Ахундов, 1968; И.П. Грябина, 1964).

Тутзорлар маҳсулдорлиги ва барглarning тўйимлилиги ўғитлаш орқали кўпайтирилиши мумкин.

Тут барглари тўйимлилигини оширишнинг ипак маҳсулдорлигига таъсири масаласига бағишланган қизиқарли тажрибалар Р.Абдуллаев (1965) томонидан ўтказилган. Тутзорга 90 кг азот, 60 кг фосфор киритилиб, унга кўшимча равишда аммоний селитраси, сульфат аммоний, борнинг сувдаги эритмаси билан дарахтлар пуркалиб, озиклантирилган вариантда баргдаги хом протеин 13,4% дан 18,7% ва ҳаттоки 24,0% га кўпайган. Шундай барглар билан озиклантирилган қуртлар ўраган пиллалар вазндор, улардан хом ипак чиқиши 41,0-41,9% га тенг бўлиб қиёсловчи вариант (38,8%) га нисбатан 2,3 - 3,1% га ошган.

М.А.Бессонова (1971) тадқиқотлари натижалари тутларни минерал ўғитлар билан озиклантириш насли қуртларга ижобий таъсир этгани, хусусан  $F_1$  тухумларининг жонланиш фоизи юқори бўлганидан далолат беради.

Z.Petkow (1992) Болгария шароитида ўтказган ҳар гектар тутзорга 270 кг азотли, 135 кг фосфорли ўғит солинганда 1 кг ейилган баргдан пилла ҳосили ва тухум миқдори кўпайган. Афсуски, муаллифлар бу белгиларни қай даражада кўпайгани ҳақида рақамлар келтирмаганлар.

А.Солихов (1976)нинг Тошкент вилояти Зангиота тумани «Назарбек» хўжалигида ўтказган тажрибалари бўтасимон тутзорлардаги тутларни кўпқаллакли шаклда ўстириш ҳар гектар ердан олинадиган пилла ҳосилдорлигини 4,89 центнердан 7,3 центнерга етказиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Х.Убайхўжаев(1986); Х.Убайхўжаев, Б.Усмонов, В.Рахмонбердиев (1987) лар ўзларининг кўп йиллик тадқиқотларига асосланиб, тут барглари ҳосили, уларнинг тўйимлилиги тутларни экиш схемаси, новдаларни кесиш олиш тартиби билан белгиланади деган хулосага келганлар. 0,9 х 0,9 м схемада экилган жадал типдаги тутзорлардан олинган барг билан боқилган қуртларнинг 1 қутисидан пилла ҳосилдорлиги 89,2 кг 2,5 х 2,5 м схемада - 88,3 кг ва 4,0 х 0,5 м схемада 90,0 килограммни ташкил этган.

Юқорида қисқа шарҳлари келтирилган ишлар пилла ҳосилдорлиги ва пилла ипак миқдори кўп жиҳатдан тут навлари, тутзорлар парвариши, ўғитлаш, новдаларни кесиш каби омилларга боғлиқ ҳолда шаклланишини кўрсатади. Албатта, қуртларга бериладиган барг меъёри катта аҳамиятга эга.

Озуқани етишмаслиги ҳайвон организмда кечадиган чуқур биокимёвий ва физиологик жараёнлар ва қолаверса маҳсулдорлик хусусиятларини ўзгаришига олиб келади. Озуқа танқислиги аввало ҳайвон танаси ўлчамлари, вазнини камайишига сабаб бўлади. Бу ҳолат айниқса, паррандаларда, айрим хашорат турларида яққолроқ намоён бўлади.

Ипак қуртлари уларга берилган барг миқдори ва тўйимлилик даражасига жуда сезгир бўлади.

Пиллачиликда 1 қути қуртдан олинадиган пилла ҳосили қурт боқиш ишида асосий мезон бўлса, тут навлари ва тутзорларга баҳо беришда ҳар қути қуртга бериладиган барг миқдори асосий меъёрий кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳар қути қуртга сарф бўладиган барг меъёри устида А.Г.Кафиан ва С.С.Зинкиналар муайян ишларни амалга оширганлар. Узок муддатли ва кенг миқёсидаги тажрибалар, синовлар асосида 1 қути (19 грамм) қурт ҳисобига барг меъёри топилган. С.С.Зинкина, А.К.Максимова (1986) турли зот ва дурагайларда ўтказган қизиқарли синовларида қуртлар ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлик белгиларининг озуқа меъёрига боғлиқ эканини яққол кўрсатиб берганлар. Олтмишинчи йилларда кенг тарқалган САНИИШ Э1 х САНИИШ

32 дурагайи куртларига 1 кути ҳисобига 1500 кг барг берилганда куртлар ҳаётчанлиги 89,5%, 1000 кг бўлганда 84,3%, 750 килограммга камайтирилганда 71, (% ва ниҳоят 600 килограмм бўлганда 73,1% ни ташкил этган. Барг бериш меъерининг ўзгариши билан пилла вазни ҳам шу зайдда ўзгариши кузатилган.

М.А.Бессонова (1971), А.К.Максимова иштирокида ўтказган тажрибалари якунига таяниб, бир кути курт учун барг сарфининг мўътадил даражасини 900 кг қилиб белгилаш тарафдори эканини уқтирган. Меъёрни 900 килограммдан кам бўлиши ипак курти зот ва дурагайларининг ирсиятида мавжуд бўлган потенциал ҳосилдорликни рўёбга чиқмай қолишига олиб келиши мумкин.

К.Мадаминов (1973) 1 кути куртга ҳаммаси бўлиб 600 кг барг сарфлаб тажрибалар ўтказган. Озуқа етишмаслиги куртнинг қон таркибига ҳам таъсир этганини, хусусан гемокитлар ва макронук-леоцитлар миқдорини кескин ошиб кетишига олиб келганлиги кузатилган.

Б.Кенжаев, У.Н.Насириллаев (1977) лар тут ипак курти генотипларини ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқлиги тадқиқ эта туриб, озуқани етишмаслиги ёки куртларни барг билан тўла таъмин этилмаслиги фақат уларнинг маҳсулдорлик белгилари (ҳаётчанлик, пилла ва ипак қобиғи вазни)ни камайтириб қолмай, ирсийланиш ва корреляция коэффицентларига ҳам таъсир этишини кузатганлар.

Бу борада А.Ф.Арсеньев ва И.Б.Бромлей (1959) таҳлилилари муҳим аҳамиятга эга. Пилла ва ипак қобиғи вазни тут баргларидаги оксил миқдорига боғлиқ ва баргларда одатда 3,0 -3,5% оксил мавжуд бўлади, даражадан камайиши тупроққа минераль ўғитлар киритишни тақозо этади, деб ёзадилар муаллифлар.

Д.К.Шодибекова (1976) тут баргларининг тўйимлилигини белгилашда Ю.Б.Филиппович томонидан ишлаб чиқилган карбонсув-оксил нисбатидан фойдаланиш ўринли эканини, бу кўрсаткич йилма-йил ўзгариб туриши,



хусусан 1969 йилда 1,0, 1970 йилда 0,84 бўлгани, карбон-сув-оқсил нисбати 1,0 бўлганда пиллалар чуватилиши 85,8%, пилла толаси узунлиги 784 м, нисбат 0,84 га тенглашганда юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб ҳолда 76,3% 583 метргача камайган.

Тут барглари таркибидаги протеиннинг ипак қурти маҳсулдорлигига таъсири О.П.Пўлатов (1986) тадқиқотларида яққол кўрсатиб берилган. Муаллиф тутнинг икки нави баргларидаги протеинни аниқлаган: Мирзачўл 3 навида 25,06%, Пионер навида 20,7% ҳар иккала нав барглари билан боқилган қуртлардан 1 га тутзор ҳисобига олинган пилла ҳосилида кескин фарқ кузатилган, яъни Мирзачўл 3 навида 7,56 ц/га, Пионер навида 6,27 ц/га бўлган.

Кренкенинг фикрича пайванднинг яхши кўкариши пайвандуст билан пайвандтагнинг тур ичида ва турлараро якин бўлишига караганда, тўқималарининг химиявий ва физиологик жихатидан белги-хусусиятининг мос келишига кўпроқ боғлиқдир. Бунга Ок тут тури Кора тут туридан узоқ бўлса ҳам, лекин уларга тегишли навлар бир-бири билан осон пайвандланиши мисол бўла олади.

Демак, пайванднинг яхши кўкариши пайвандтаг ва пайвандуснинг ўтказувчи тўқималарининг химиявий ва физиологик жихатидан мос келишига, жипслаб боғлашга, пайванд қилиш техникасига, қаламчаларни ўз вақтида тайёрлаш ва уларни пайванд қилгунча яхши сақлаш ҳамда пайвандларни парвариш қилишга оид илмий мақола ва асарларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

### **3. ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ**

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва узлуксиз ривожлантириш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз аграр соҳасини иқтисодий ташкилий ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармон ва унинг асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ижроси билан соҳадаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топмоқда, жумладан; фермер хўжаликлари иқтисодий мустақиллигининг асоси яратилди. Ердан фойдаланишга ижара муносабатлари шаклланди, фермер хўжаликлари учун янги тамойиллар жорий қилинди, шартнома мажбуриятларида томонлар тенглиги таъминланди, хизмат кўрсатувчилар маъсулияти оширилди, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатлари устиворлигига эришилди.

Республикамиз халқ хўжалиги ривожланган ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган сари уни табиий ипакдан тўқилган турли кийимларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Шунинг учун ипакчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг (1998 йил 30 март, 2005 йил 15 март, 2003 йил 22 декабр, 2006 йил 15 март, 2003 йил 22 декабр, 2006 йил 15 ноябрдаги) фармонлари чиқарилиб, Вазирлар Маҳкамасининг (1998 йил 3 апрел, 2000 йил 16 март, 2003 йил 9 сентябр, 2006 йил 15 ноябр) қарорларида озуқа баъзасини мустахкамлаш учун янги тутзорлар барпо этиш ва тутнинг янги,

сермахсул навларини яратиш, қурт боқишнинг янги технологиясини қўллаш, тайёрланаётган пилла салмоғини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, ипак куртининг янги зот ва дурагайларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш вазибалари кўрсатиб ўтилган.

Пиллачилик тармоғининг энг долзарб муаммоси юқори навли рақобатбардош пилла ҳамда ипак толаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Соҳадаги ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3-январдаги 01-03-26-1 сонли қарорида фермер хўжаликларида 3 гектар ва ундан ортиқ тутзорлар ташкил этиб, уларнинг ёнида 15 қутига мўлжалланган қуртхоналар қуриш тўғрисида, ҳамда 2012 йил 12 ноябрдаги “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги пахта пунктларида пилла етиштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларга асосан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги пахта заводлари ва уларнинг 196 та пахта қабул қилиш масканларида 50-70 қутидан ипак қурти боқиб пилла етиштириш йўлга қўйиш ва қуртхоналар ёнида интенсив технологияли тутзорлар ташкил қилиш учун 5 гектардан ер майдони ажратиш бўйича тегишли идораларга топшириқлар берилади. Ҳозирги кунда юқоридаги топшириқлар асосида 196 та пахта қабул қилиш масканлари ичида ёки ёнида 72 х 12 схемада 70 қути ипак қурти боқиш учун қуртхоналар қурилиб, тутзорлар ташкил қилиш учун Хитойдан тут кўчатлари келтирилиб экилди.

Шу муносабат билан ипак куртининг озуқа базаси бўлган махсус ва замонавий тутзорларни кенгайтириш ҳамда улардан сифатли барг олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўп жиҳатдан экилаётган тут кўчатларининг навига ва ўстириладиган тут дарахтининг озуқалик сифатига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, тут дарахтининг хўжалик жиҳатидан энг аҳамиятли қисми барча бўлиб, у ипак куртининг ягона озиғидир. Тут баргида ипак куртининг эҳтиёжини тўлиқ таъминловчи озиқ - моддалар, қанд, оксил, ёғ, сув, ферментлар ва хар хил витаминлар мавжуддир.

Ипак курти уруғи жонланиши биланоқ тут барги билан озиқланади ва натижада пилла ўрайди. Бинобарин, тут барги қанча мўл бўлса, шунча кўп миқдорда курт боқилиши ва шунча кўп пилла етиштириш мумкин бўлади.

Чунончи Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича жахонда салмоқли ўринни эгаллашига қарамай серҳосил навдор тутлар майдони жами тут майдонларининг атиги 10-15% ташкил қилади. У ҳам бўлса йиллар мобайнида дурагай кўчатларга пайванд қилиниб етиштириш эвазига эришилган.

Ҳосилдор тут дарахтларини кўпайтириш учун ҳар қандай ипакчи агроном мутахассис тут дарахти органлари тузилишини, тутни ташқи муҳит омилларига бўлган муносабати, кўпайтириш усулларининг агротехник коидалари ва тут барги билан ипак куртини боқиш усулларини билаш зарур.

Демак, ҳосилдор тут дарахтини кўпайтириш учун агротехникаси жиҳатдан анча арзонга тушадиган усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Пилланинг сифати ҳамда ҳосилдорлигини юқори бўлиши учун республикасида етиштирилаётган навдор тут кўчатлари сонини йил сайин кўпайтириб бориш энг асосий масалалардан бири бўлмоғи керак.

Бундан ташқари, тутнинг ҳосилдорлигини оширишда агротехник тадбирлар, жумладан озуқа берувчи баланд танали ва бута тутзорларни суғориш уларни минерал ва органик ўғитлар билан ўз муддатида озуклантириш барг ҳосилдорлигини оширишга олиб келади.

#### 4. ТУТ ДАРАХТИНИ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

Тутчиликнинг асосий вазифаларидан бири кўчатларни муттасил кўпайтириб бориш асосида ипак қуртининг озик базасини тобора мустаҳкамлашдир.

Тут дарахтлари жинсий (уруғдан) ва жинссиз (вегетатив-пайвандлаш пархишлаш, қаламчасидан ўтказиш) йўли билан кўпайтирилади.

Тутни уруғдан кўпайтириш энг қадимий усуллардандир. Уруғ сепиш техник жиҳатидан осон бўлиб, кўп меҳнат ва маблағ сарфланмайди.

Тутни уруғдан кўпайтиришнинг ўзига хос камчилиги ҳам бор. Жумладан, тут дарахти асосан икки уйли бўлганлиги учун табиий ҳоатда айрим навдор урғочи гулли дарахтлар босжқа бир ашак тутчнаги билан чангланганда, бундай уруғдан етиштирилган кўчатлар сифатсиз бўлади. Бундан ташқари, уруғдан ўстирилган тутнинг вояга етиши учун кўп вақт талаб қилинади. Уруғдан ўстирилган кўчатдан ташкил қилинган бута шаклидаги тутзорлардан 3, 4 ва баланд танали тутзорларнинг баргидан ипак қурти боқиш учун 7-8 йили фойдаланиш мумкин. Чунки бута тутзога екиладиган ниҳол бир йил ниҳолзорда 2 ёки 3 йил янги екилган жойда, баланд танали тут дарахтлари ўстиришда эса, кўсаҳт 1 йил ниҳолзорда, 2 йил кўчатзорда, 3 ёки 4 йил баланд танали тутзорда ёки қаторлаб екилган жойда ўсиши зарур. Бундан ташқари уруғдан ўстирилган тут дарахтининг мевага кириши ҳам шунга яраша кечикади.

Тутни яшаш қобилятига эга бўлган маълум вегетатив қисмлари – новдаси, куртаги ва ҳатто бутун организмни қайтадан тикалш (регенератсия) қобилятига эга. Тутларнинг ва дурагайларининг ирсий хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида уларни вегетатив органлари орқали кўпайтирилади. Тутни вегетатив кўпайтиришда пайвандлашх, қаламчалош ва пархишлашдан фойдаланилади.

Юқорида баён этилганидек тутнинг кўп хиллари жинсий йўл билан, яъни уруғидан кўпайтирилади. Аммо Ўрта Осиёда меваси учун ўстириладиган Балхи тут, Бедона тут, Марварид тут, Шотут ва бошқа навлари ерли халқалр томонидан кўп асрлар давомида вегетатив (асосан пайвандлаш) усул орқали кўпайтирилган. Шу сабабли тутни вегетатив усулларда кўпайтириш амалий жиҳатдан узоқ тарихга эга бўлган бўлса ҳам, лекин нинг кўкарувчанлик даражаси назарий томондан сўнгги XX асрда асосланган.

Тутни вегетатив усулда ўстиришда она дарахт ўзининг ирсий хусусиятини сақлаб қолади. Пайванд ва пархиш қилинган ҳамда қаламчасидан ўстирилган тутларнинг барги ва мевасидан 2 ёки 3 йилиёқ фойдаланиш мумкин. Пархиш ва қаламчалаш усулларини қўлалш туфайли ташқи муҳит таъсирида яхши хусусиятли бўлиб қолган (мутатсион ўзгарувчанлик ҳосидаси рўй берган) она дарахт навдасидан кўпайтириш йўли билан унинг ирсиятини сақлаб қолиш мумкин. Бироқ, пайвандлаш усули билан юқоридаги ўзгарувчан ирсий хусусиятни бутунлай ўзгартирмай сақлаб қолиш мумкин эмас.

Чунки, пайванддўст пайвандтагга ва аксинча, пайвандтаг пайванддўстга таъсир қилиб, бири иккинчисини қисман ўзгартиришга сабаб бўлади. Бундай ўзгариш рўй бериши учун узоқ вақт талаб қилади.

Вегетатив усулни ҳам ўзига яраша айрим камчилиги бор. Масалан, она дарахт касалланган ёки зараркунандалар таъсирида заифлашган бўлса, бундай ўсимликларда вегетатив йўл билан урчитилган ёш дархтлар касаланиб, бошқа ўсимликларни зарарлантириши мумкин. Шу сабабли вегетатив усулда кўпайтириш учун соғлом, бақувват ва яхши навли тут дарахтларини танлаш лозим.

Шундай қилиб тутнинг уруғидан ва вегетатив усулларда кўпайтириш афзалликлари билан бирга уларнинг камчиликалри борлигини ҳам кўриб ўтдик. Шу муносабат билан тутни кўпайтиришда қайси бир усулни қўллаш

керак деган савол туғилади. Одатда, тутчиликда ҳар икки усулни қўлалшга тўғри келади. Кўплаб тут ниҳоли ва кўчатарини етиштиришда асосан уруғидан кўпайтирилиб, кам ҳосил тутларнинг серҳосил навдор тутларга айлантеришда эса вегетатив усулдан фойдаланилади.

Тутчилик соҳасида навдор тут дарахтларини вегетатив йўл билан кўпайтеришда асосий ўринни улаш усули эгаллайди. Лекин улаш усуллари ниҳоятда хилма - хилдир. Бу ерда Республика ва чет эллик олимларнинг кўп киррالي илмий ишлари ва амалий тажрибалари баён этилади.

Саноро-хоте-дае-га-сегу усули Т симон кесик ҳосил қилиб куртак пайванд қилиш ва икки томонидан айлантериб боғлашдан иборат. Найча пайванд - найча кийгизиш билан пайвандлаш мевали тут дарахтларини, яшил куртакларини пайвандлаш йули билан кўпайтериш усули. Поя пўстлоғи бўйламасига кесиб пайвандлаш ва уланган жойи юқорисида тиргак (шип) колдирмай кесиб ташлаш. Пустлоқни Т симон кесиб пайвандлаш ва қалқонининг устки қисмини айлантериб боғлаш.

Тут дарахтлари шох-шаббасига қаламча улаш йули билан пайвандлаш. Бунда пайвандуст сифатида тутларнинг юқори ҳосилли навларидан тайёрланган қаламчалари ишлатилади.

Пўстлоқ орасига қаламча солиш йули билан пайвандлаш. Уни ўтказиш услуби Пятигорск пиллачилик тажриба станцияси томонидан ишлаб чиқилган ва у Украина пиллачилик станцияси ходимлари томонидан такомиллаштирилган.

Қишда ниҳолчалар илдиз бўғзига пайванд солиш. Бу усулни У. Кўчқоров, Ф. Гатин ва А. Пулатов (1977) лар томонидан тавсия қилинган. Қишда ва эрта баҳорда кузда ковлаб олинган пайвандтагда шира ҳаракатини юргизиб пайвандлашга киришилади. Маданий тут дарахтлари навларини маҳаллий ўсимлик шох-шаббасига улаш мавжуд тут дарахтларини тезкорлик билан яхшилаш усуллари.

Қаламчаларни илдизни пайвандлаш. Бунда пайвандтаг сифатида кўчатларининг кесиб ташланган илдизлари ёки ўқ илдизларидан фойдаланилади.

Тут дарахтларини пархиш йули билан кўпайтириш. Пархишлаш деб она ўсимликдан ажратилмаган ҳолда илдиз олдирилган пояга айтилади.

Пархишлаш билан одатда қийин кўкарадиган ёки мутлақо қаламчасидан кўпаймайдиган маданий ўсимликлар кўпайтирила-ди. Пархиш қилиш йули билан кўпайтириш катта хажмда олиб бориладиган бўлса, бунда пархиш қилиш билан кўпайтириладиган махсус она тутзорлар барпо этилади.

Тут дарахтларини қаламчаларидан кўпайтириш. Тут дарахтларини кўпайтириш борасидаги дастлабки маълумотлар ўтган юз йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлади.

Қаламча қилиб экиш тут дарахтларини кўпайтиришдаги бир мунча янги усуллардан саналади. Тут дарахтларининг қийинчилик билан илдиз оладиган турларини қаламчаларидан кўпайтириш усуллари кўп бўлиши билан бирга, лекин бўларнинг ҳаммаси учун муътадил даражадаги ҳарорат, намлик ва аэрация шароитларини яратишга, қаламчаларни илдиз олдириш жараёнида асосан тегишли ҳароратни вужудга келтиришга тарқалади. Тутчиликда қўлланилиши мумкин бўлган усуллардан баргли қаламчаларни парникларда ёки полиэтилен пардалар остида етиштириш ва уларнинг ёгочлашган баргсиз қалам-чаларини парникларда ёки бўлмаса очик ерда илдиз олдириш усуллари фарқ қилади.



## 5. ТУТНИ ҚАЛАМЧАДАН ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Навдор тутларни кўпайтиришда самарали усуллардан бири уни қаламчасидан ўстиришдир. Бунда тут қаламчаси она тарафдан ажратилиб, кўлай шароитга экилади ва илдиз олиш учун керакли даражада парвариш қилинади. Бу хилдаги ўстирилган тут кўчатлар ўз илдизига эга бўлган мустақил ўсимликка айланади.

Янги етиштирилган навларни вегетатив йул (жумладан қаламча) билан кўпайтирилганда унинг ирсий хусусиятларига янги буғинларда тўлиқ сақланади. Қаламчадан ўстирилган тутларнинг илдиз системаси яхши ривожланганлиги сабабли унинг ер устки қисмлари бақувват ўсади ва уруғидаги кўпайтирилгандан нисбатан 2-3 йил олдинроқ барг олинади ва хосилдорлиги анча юқори бўлади. Бу усулда ўстирилган тутларнинг баргли новдалари қуртга кесилгач, тезда янги новдалар тикланади. Ниҳоят қаламчадан навли кўчат қисқа муддатда ва арзон нархда етиштирилади.

Қаламчани экилгандан кейин унда илдиз ва новдаларнинг ҳосил бўлиш даражаси ички (ўсимликларни ирсиятига тегишли) ва ташқи (унинг ўсиши учун керакли муҳит) омилларига ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ички омилларга она дарахтнинг қайси усулда (уруғдан ёки қаламчасидан) ўстирилиши, қаламчанинг ёш ёки қари бўлиши, тутнинг тури ва нави қаламчани таёрлаш ва экиш муддати, навдани пишиш даражаси ва бошқалари киради. И.В.Мичурин (1950) кўрсатишича хосилга кирган, янги бачки новдалар уругдан унга ниҳол ҳолатни кайтариб ёввойи кўринишда бўлади. Аммо ниҳолдан қаламча олиниб экин устирилган катта дарахт кесилса, янги ўсган новдалар ёввойи бўлмай, аксинча шу дарахтнинг усув ҳолатини қайтаради ва маданий белги-хусусиятига эга бўлади. Бинобарин тутда ҳам она дарахти қаламчадан ўстирилган бўлса ундан тайёрланган қаламча экилган тақдирда кўчат она наслига тортиб сифати яхшиланади.

Д.А.Комиссаров (1938) , Н.П.Кренке (1950) ва бошқаларнинг маълумотига қараганда ниҳолдан қаламча олиб экилгандан катта дарахтаникига нисбатан унинг илдиз олиши яхши бўлади. М.И.Деза (1951), Р.Х.Турецкая (1961) ва бошқаларнинг таъкидлашича она тутнинг ҳар хил жойидан олиниб экилган қаламчаларнинг кўкариш хусусияти ҳар хил бўлади. Новданинг қўйи қисмидагиси яхшироқ илдиз отади.

Тут навлари қайси усул билан яратилишидан қатъий назар уларни кўкариши ёки илдиз олиши, яъни вегетатив йўл билан кўпайтириш имконини бўлишлиги, шунингдек, ипак қуртларини боқиш учун доимий новдалари кесиб турилиши ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши билан қийматли саналади.

Қаламча тайёрлаш учун Она тутзор бута шаклдаги ўз илдизига эга бўлган клон йўли билан кўпайтирилган, туманлаш-тирилган навлар ва дурагай тутлардан тайёрланган қаламча-лардан экилиб барпо этилади.

Тур таркиби:М. Alba Linn, М. Multcailis Perr, М. Bombycis Koidr, М. Кагаумас Koide.

Нав таркиби: Ўзбек, Октябрь, Пионер, Пайванди, Тожикистон уруғсиз тути, Балхи тут, Кокус-70, САНИИШ-42, совуқга чидамли, Манкент, Мирзачўл-6, Сурх тут дурагайлар: САНИИШ - 5 х Пионер, Кокус-70хПионер, Победа х Пионер.

Ўз илдизига эга бўлган дурагай тутларни қаламчадан кўпайтириш ишлари яхлит (бутун) ва йирик барглари билан ажралиб турадиган, новдалари тўғри ўсадиган ниҳолларни танлашдан бошланади. Танланган ниҳоллар 0,25 х 0,70 м ли тасвир (схема) бўйича жойлаштирилади. Ўсимликни қайтадан қаламчалаш учун ҳар йили уларнинг бир йиллик новдалари тупроқ сатҳи баландлигида кесиб турилади.

Дастлабки вегетатив генерациялашни навбати билан қаламчалаш орқали ўсимлик насли олинади. Ўзилдизига эга бўлган ўсимликни

кейинчалик қаламчасидан кўпайтириш йўли билан илдиз олиши юқори бўлган экиш материаллари олинади.

Тутларни қийин илдиз оладиган навларини қаламчасидан кўпайтиришда Она тутзорларнинг ёши ва ҳолати катта аҳамиятга эгадир. Қаламчалар тайёрлаш юқорида айтилган навлар ва дурагай тутларнинг ҳалқаланган бир йиллик новдаларидан 30-40 см ли қаламчалар (феврал, мартни бошида) экиш учун ер етилгунча кўмиб кўйилади.

Ер етилгач 0,90 x 0,40 м ли тасвирда (схемада) экилади. Илдиз олгунча тез-тез суғорилади, ўсиб чиққач новдалар тўлиқ қолдирилиб ҳеч қандай шакл берилмасдан ўстирилади. Келгуси йили эрта баҳорда бир йиллик новдалар қирқилади. Қирқилгандан кейин кўплаб янги новдалар ўсиб чиқади, ана шу новдаларнинг бўйи 15-20 см га етганида тик ва бақувват ўсганидан бир тўпда 6-7 таси қолдирилади. Булар 25 июлдан 5-10 августга вилоятлар иқлим шароитига қараб ҳалқаланади. Ҳалқаланган новдалар ҳар йили кесилиб кўчатзорга экиш учун қаламчалар тайёрланади.

Тут дарахтларини қаламча қилиб экишда ўз илдизига эга бўлган кўчатлар етиштириш муддатлари ва экиш материаллари учун кетадиган ҳаражатлар анча камаяди. Маълумки, ўз илдизига эга бўлган дарахтлар қаламча қилиб кўпайтириш йўли билан олиниб, бу хилдаги дарахтлар илдиз тизимининг кучли даражада ривожланганлиги, юқори ҳосилдорлиги, узок хаёт кечириши ва ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига бардош бериши билан фарқ қилади. Улар кесилган қисмини илдиз тизимининг кучли ривожланганлиги туфайли осонлик билан қайта тиклаб олади. Бу ҳар қайси нав дарахтларга хос бўлган хусусиятдир.

Лекин шуни айтиш керакки, тут дарахти қийинчилик билан илдиз оладиган ўсимликлардир. Шунга кўра қаламчаларининг илдиз олувчанлиги тут дарахтларининг тур таркиби ва навдорлиги хусусиятларига, она ўсимликларнинг ёшига ва мазкур дарахтнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Тут қаламчалари. Қаламчалар ўсимликнинг ер устки навларидан / ёғочлашган ва яшил ва илдиздан олинган бўлиши мумкин.

Қаламчаларнинг илдиз олишига ўсимлик жинсининг таъсири. Она ўсимликлардан олинган қаламчаларда, эркак ўсимликлардан олинган қаламчаларга қараганда кесилган жойларини битиб кетиши ва илдиз олиш қобилияти юқори бўлади. Лекин эркак ўсимликлардан қаламча қилиб тайёрланган экиш материаллари қийматли саналиб, ипак қуртлари ана шу барглар билан боқилганда уларнинг қуртлик даври қисқаради ва пилласининг оғирлиги 1-7 % га ортади. (И. П. Грябина, 1962)

Ўсимликларнинг ўсишида икки қутблик (полярность) ва ўзаро боғлиқлиги. қаламча табиий ҳолда илдизларини пастки учидан чиқаргани ҳолда, куртаклари юқориги учидан бўртиб чиқади (Н. П. Кренке, 1940 ). Шунингдек қаламчалар ётқизиблиб экилганда, ундан асосий илдизлар қаламчанинг базаль қисмидан (паски қисмидан) ҳосил бўлади, яъни бунда узунасига қутблилик кузатилади, лекин қаламчанинг ер устки қисми (куртаги) униб ер юзасига чиққунча тупроқда бўлганлиги туфайли ҳам уларда устки қисми билан ер остки қисми ўртасидаги корреляцион боғланишни бузади. Бунда озик моддалар илдиз тизими орқали унинг кучсизланган ер устки қисми томон оқиб боради. Халқаланган новдаларнинг жадал ўсиши ва кучли ассимиляция қилиш қобилияти новданинг халқаланган жойида кўплаб озик моддалар тўплаш имконини беради. +аламчадан илдиз олган бута тўпларда кучли илдизлар ҳосил бўлиб ва келаси йили тут дарахтидан фойдаланилгандан кейин яна кучли ривожланган илдиз тизими корреляцион боғлиқлик муносабатида ўсимликнинг ер устки қисмлари жуда тез қайта тикланади. Бунда куртаклар яхши ўсиб, ундан кўплаб бақувват етилган новдалар ривожланади.

Тутнинг ёғочлашган қаламчаларини тайёрлаш муддатлари. Бу ҳол қаламчалардан илдиз ҳосил қилиш учун жуда муҳим бўлиб, уларни умумий

физиологик ҳолат ва пластик моддалар тўплаш билан боғлайди. Чунки қаламчаларнинг қанчалик илдиз олиши бевосита ана шуларга боғлиқ бўлади.

Ёғочлашган тут қаламчалари иқлим шароитлари билан узвий боғланган. Бунда ўсимликнинг таналари ва илдизларидаги ортик (запас) озик моддалар, шунингдек уларнинг таркибидаги сувнинг мавсум давомида ўзгариб туриши катта қизиқиш уйғотади. К. Рахмонбердиев (1954). +аламча тайёрлашнинг турли муддатларини (кузда, қишда, эрта баҳор ва баҳор охирларида) ўрганди. Февраль ойининг охирларида баҳор шароитининг қанчалик келишига қараб тут дарахтларида шира ҳаракатининг бошланиш даври рўй беради. Ана шу муддатда ва март ойининг бошларида тайёрланган қаламчалар тайёрланган куни ўтказилади, Улар намланган ва қуруқ қумда сақланиб қаламча сақланадиган бино ичида ҳарорат 2-5Сда, нисбий намлиги 85-90% тутилди. Намланган қумда сақланган қаламчаларнинг куртаклари бўрта бошлагани ҳолда, қуруқ қумда сақланаётган қаламча-ларнинг куртаклари хали тиним ҳолатида бўлди. Хатто мўътадил даражадаги шароитда ҳам қаламчалардан қисман бўлса ҳам йиғилган озик моддаларнинг сарфланиб йуқолиши кузатилди. Қаламчаларни сақлаш муддатини қисқартириш учун тут қаламчаларини баҳорда шира ҳаракати бошлангунча қадар тайёрлангани маъқулдир.

Қаламчаларни экиш олдидан кўмиб қўйиш. Хиббимов маълумоти бўйича (1979) , март ойининг биринчи ўн кунлигида қаламча тайёрланадиган она тутзордан бир йиллик новдалар қирқиб олиниб улар очик ерга ўтказишга қадар уч-тўрт hafta давомида нам тупроққа 50-60 см чуқурликда кўмилиб сақланади. Бу эса қаламчаларни экиш муддати, қачон тупроқнинг ҳарорати 18-20 С ни ташкил этганида маъқул бўлади.

Тут қаламчалари ётиқ ҳолатда ва қия қилиб экилади. Қаламчаларни ётиқ ҳолатда экиш учун уларнинг узунлиги 30-40 см, қия қилиб экилганида 15-20 см бўлиши керак. Қаламчалар ерга экилгандан кейин 10-15 кун ўтгач кесилган пастки қисмида қадок ҳосил бўла бошлайди. Қаламчаларнинг

камбий тўқимаси-дан дастлабки сариқ рангдаги ингичка илдизчалар ҳосил бўлади.

Тутни ёғочлашган қаламчаларини ўстириш агротехникаси. Қаламчаларни экиш учун 70 см кенгликда, 30-35 см баландликда эгатлар олиниб пуштанинг ўртасига 5-8 см чуқурликка экилади.

Қаламчаларни илдиз олиш даврида 30-40 кун ичида тез-тез суғорилиб турилиши керак, бегона ўтлардан тозалаш, ишлов бериш, ўғит бериш каби бир қатор агротехникага оид ишларни бажариш керак.

Ёғочлашган қаламчалар тайёрланадиган она тутзор. Қаламча қилиб кўпайтириш учун синаладиган тут навларининг қанчалик истиқболлиги масаласини ҳал қилишда уларнинг илдиз олишига қай даражада таъсир кўрсатиш хусусиятлари ва хоссаларини билиш керак. Тут навларини қайси усул билан олинишидан қатъий назар уларнинг ҳаммаси одатда вегетатив йул билан кўпайтириш имконини бериши, шунингдек ипак қуртларини боқиш учун доимий равишда кесиб турилиши ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши билан қийматли саналади.

## **6. ТУТНИ БАРГСИЗ ҚАЛАМЧА БИЛАН КЎПАЙТИРИШ.**

Тутнинг баргсиз қаламчасини тугридан-тугри очик майдонга экиб устириш 1930 йилдан бошлаб юмшок иклимий Япония, Корея, Вьетнам давлатларида амалга оширилди ва яхши натижаларга эришилди. Аммо Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида баргсиз қалам-чаларни очик майдонда устириш мумкин эмас деган фикрлар мавжуд эди. Чунки бу йул бйлан тутни купайтириш агротехникаси хали деярли ишлаб чикилмаганлиги бу фикрларга асосий сабаб була оларди.

1951 йилдан бошлаб Тошкент кишлок хужалик института ХОДИМИ К.Рахмонбердиев томонидан тутни баргсиз қаламчасини устириш устида тажриба олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилди. Бу ОЛИМ томонидан қаламчани тайёрлаш ва экиш муддати, усули ва чукурлиги, сугориш, тупрокка ишлов бериш хамда бошка агротехник тадбирлари тажриба асосида ишлаб чикилди. 1959-1960 йилдан бошлаб қаламча тайёрлашга мулжалланган она дарахт новдаларининг олдиндан халкалаб куйилиги қаламчанинг кўкаришига йжобий таъсир этиши аникланди.

Баргсиз қаламчани кукартириш агротехникаси. Баргсиз қаламчаларнинг кўкариши учун қаламча тайёрлашга мулжалланган она тутзорни ташкил ЭТИШ, новдаларни халкалалаш, қаламчаларни тайёрлаш ва улари экишгача сакдаш, экиш муддати ва усули хамда усиш даврида парвариш қилиш даражаси таъминланиши шарт.

